

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.T.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМАТОВА РАЪНО АҲАДОВНА**

**СУВДА ЭРУВЧАН ТАБИӢ ВА СИНТЕТИК ПОЛИМЕРЛАР**  
**АСОСИДА КОМПОЗИЦИЯЛАР ОЛИШ ВА АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАШ**

**02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)**

**Исматова Раъно Ахадовна**

Сувда эрувчан табиий ва синтетик полимерлар асосида  
композициялар олиш ва амалиётда қўллаш..... 3

**Исматова Раъно Ахадовна**

Получение композиции на основе водорастворимых природных  
и синтетических полимеров и их применение на практике..... 21

**Ismatova Rano**

Preparation of a composition based on water-soluble natural  
and synthetic polymers and their practical application ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.T.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМАТОВА РАЪНО АХАДОВНА**

**СУВДА ЭРУВЧАН ТАБИЙ ВА СИНТЕТИК ПОЛИМЕРЛАР**  
**АСОСИДА КОМПОЗИЦИЯЛАР ОЛИШ ВА АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАШ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1524. рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tersu.uz](http://www.tersu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Амонов Мухтор Рахматович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мухиддинов Баҳодир Фахриддинович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Тожиёв Панжи Жовлиёвич**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик технология институти**

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.78.01 рақамли илмий кенгашнинг 07.10.2020 йил соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 21 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил 28.09. куни тарқатилди.  
(2020 йил 28.09 даги № 6 рақамли реестр баённомаси).



**И.А. Умбаров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доц.

**Ш.А. Касимов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, к.ф.ф.д.

**Ф.Б. Эшқурбонов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, к.ф.д., доц.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Ҳозирги вақтда дунёда сувда эрувчан полимерлар асосида олинган охорловчи таркибларни пахта толали калава ипларни охорлашда қўллаш, охорлаш жараёнида ишлатиладиган сувни 60-80% гача тежаш ва охорланган ипларни қуритиш учун сарфланадиган энергияни 20-25% га камайтириш имконини беради. Шу жиҳатдан, охорловчи таркибларни ишлаб чиқишда сирт фаоллиги юқори, хусусан ПВС ва ГИПАН каби синтетик полимерлар асосида охорловчи таркиблар олиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Бугунги кунга келиб сувда эрувчан полимер таркиблар олиш бўйича дунёда ўтказилаётган тадқиқотларда ва ишлаб чиқиладиган янги технологияларда озик-овқат крахмалини алмаштириш ёки сарфини камайтириш мақсадида самарали ва сифатли охорловчи полимер композицияларни олишга имкон берувчи илмий-тадқиқот ишларига эътибор берилмоқда. Тўқимачилик корхоналарида калава ипларни охорлашда қўлланиладиган барча полимерлар орасида табиий крахмалнинг улуши энг катта бўлиб, арзон ва сувда эрувчан синтетик полимерларнинг қўлланилиши охорловчи моддалар таркибидаги крахмал сарфини камайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, сувда эрувчан полимерлар олишнинг энергия ҳамда ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда кимё саноатининг янги турдаги материаллар ишлаб чиқариш йўналишида муайян натижаларга эришилди, жумладан маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи кимёвий реагентлар билан таъминлаш соҳасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, Республикаимизда, инновацион технологияларни тадбиқ этиш орқали саноат объектларини юритишнинг илмий асосланган тизими ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартиришга» қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада республикаимизда пахта толаларини охорлашда полимерларни қўллаш, асос ипларини охорлаш учун янги таркиблар ва елимловчи моддалар олишнинг самарали, тезкор ва иқтисодий жиҳатдан арзон технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармонлари, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устивор йўналишига мувофиқ бажарилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий-техник адабиётларда калава ипларни охорлаш учун ишлатиладиган юқори самарали охорловчи композицияларни яратишга қаратилган тадқиқотлар бўйича катта ҳажмдаги маълумотлар мавжуд бўлиб, бу соҳада хориж олимлари И.В. Рябин, Ю.А. Калинин, Э.Б. Авакян, И.Ю. Вашурина, Н.Э. Шаров, К.А. Андрианов, Л.И. Гандурина, А.Ф. Давыдов, С.В. Смирнов, А.Б. Тихоновская, С.В. Леднев ва бошқаларнинг ишларида охорловчи материалларни олишда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш маълумотлари келтирилган бўлиб, унинг асосида охорловчи композицияларнинг структура ҳосил қилиши шароитлари ҳамда реологик хоссаларига компонентларнинг таъсири ўрганилган.

Республикада М.А.Асқаров, С.С. Негматов, Ю.Т.Тошпулатов, О.М.Ёриев ва М.Р.Амоновларнинг ишларида табиий полимерлар, шунингдек, сувда эрувчан ва синтетик полимерлар асосидаги охорловчи ингредиентлар олишнинг республикада ва хорижда мавжуд технологиялари ҳар томонлама таҳлил қилинган ва маълумотлар тўпланган.

Оҳорлаш самарадорлигини ошириш масаласи нуқтаи назаридан баҳоланган адабиётлар таҳлили пахта толали калава ипларни охорлашда кўп функционал таъсирга эга препаратлар сифатида крахмал, ПВС ва ГИПАН асосидаги полимер композициянинг қўлланилиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-ФЗ-009-рақамли «Модификацияланган крахмал ва сувда эрувчан полимерлар асосида тўқимачилик саноати учун композициялар яратишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш» (2007-2011) мавзусидаги фундаментал ва ЁА-12-8-рақамли «Крахмални модификациялаш ва унинг асосида янги импорт ўрнини босувчи материаллар олиш технологиясини яратиш» (2016-2017) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сувда эрувчан полимерлар асосида композицияларни олиш технологияларини яратиш ва мавжуд технологияларни такомиллаштириш, шунингдек охорлаш босқичида улар қўлланилишининг самарали усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

тўқимачилик саноатида охорловчи полимер композициялар қўлланилиши муаммоларининг ўрганилганлик мониторингини ўтказиш;

сувда эрувчан полимерлар асосидаги охорловчи композициялар яратишнинг илмий негизларини асослаш;

полимер системалар компонентларининг целлюлоза билан таъсирланиш қонуниятларини физик-кимёвий усуллар билан аниқлаш;

композициялар хоссаларига компонентлар табиати ва концентрациясининг таъсирини аниқлаш;

ишлаб чиқилган композициянинг елимловчи хусусиятни ва унинг охор сифатида қўлланилиш имкониятларини баҳолаш, реологик боғлиқликларни аниқлаш;

тўқиш босқичида калава ипларнинг талаб даражасидаги мустаҳкамлик хоссаларини олишга имкон берувчи охорлаш жараёнини оптималлаштириш;

ишлаб чиқилган таркиб билан охорланган калава ипларнинг физик-механик ва мустаҳкамлик хоссаларини аниқлаш;

жараённинг оптимал технологик параметрларини аниқлаш, полимер композицияларни таркибини ишлаб чиқиш ва яратилган таркиб билан пахта толаси асосидаги калава ипларни охорлаш технологик схемасини ишлаб чиқиш;

яратилган технологияларнинг саноат синовларни ўтказиш, ушбу полимер системаларнинг қўлланилишда иқтисодий самарадорликни баҳолаш.

**Тадқиқот объекти** крахмал, поливинил спирти, гидролизланган полиакрилонитрил ва пахта толали калава ипи ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** полимер композицияларнинг таркибини, физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, турли компонентлар таъсири остида охорловчи композицияларнинг функционалликни бошқариш йўли билан улар олинишининг технологик асосларини яратиш, шунингдек чет элдан олиб келинаётган крахмалнинг охордаги сарфини камайтришга қаратилган бўлиб, калава ипларни охорлаш учун полимер композицияларнинг қўллаш технологиясини яратиш ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида тадқиқот усуллари сифатида изотермик сорбция, ИҚ спектроскопия, колориметрия, ионометрия усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор пахта толали калава ипларни охорлаш учун табиий ва синтетик полимерлар – крахмал (4,0; 4,5; 5,0; 5,5%), ПВС (0,1-0,5%) ва ГИПАН (0,1-0,3%) асосида сувда эрувчан полимер таркиблар ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган охорловчи полимер таркиблардаги компонентларнинг функционал гуруҳлари билан целлюлозанинг ўзаро таъсирлашиш механизми ва унга турли омилларнинг таъсири аниқланган;

охор таркибидаги ПВС охор плёнкасининг эрувчанлик ва сорбцион хоссаларини яхшилаши, ГИПАН эса системанинг қовушқоқлиги ва толага охор адгезиясининг ошириши натижасида калава ипнинг мустаҳкамлиги 30-35% га ортиши ҳамда калава ипларнинг тўқиш дастгоҳларида узилиши 60-70% га камайиши аниқланган;

ПВС ва ГИПАНнинг озроқ миқдори киритилганда крахмал гелларининг устмолекуляр структураси бузилиши натижасида крахмалли охорловчи композицияларнинг қатламларга ажралишининг камайиши ва технологик қўллаш хусусиятларининг ортиши аниқланган;

ишлаб чиқилган охорловчи полимер таркибларнинг анъанавий охорловчиларга нисбатан кинетик ва агрегатив барқарорлиги юқорилиги ҳамда охорлаш жараёнида крахмал сарфининг 25-30% га камайиши аниқланган;

охорловчи полимер таркибларни қўллашнинг иқтисодий ва экологик самарадорлиги аниқланган ҳамда калава ипларни охорлашда қўллаш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кимёвий, физик-кимёвий ва термодинамик тадқиқот усуллари асосида олинган сувда эрувчан полимер таркиблар компонентларнинг табиати ва миқдорида боғлиқ ҳолда турли охорловчи системаларни олиш технологияси ишлаб чиқилган;

табiiй ва синтетик полимерлар эритмалари реологик хоссаларининг ҳамда охорланган калава ипларнинг асосий физик-механик кўрсаткичларини солиштириш асосида полимер композициялар билан охорлаш жараёнининг крахмал асосидаги таркиблар билан охорлашга нисбатан устунликлари аниқланган;

калава ипларни охорлашда полимер системаларнинг қўлланилиши натижасида охорловчи таркиб оқувчанлиги ва целлюлоза толасига адгезияси ортган, шунингдек ипларнинг сиртида ҳосил бўладиган полимер плёнканинг эластиклиги юқори бўлиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган экспериментал маълумотларнинг ишончлилиги замонавий тадқиқот усуллари: ИҚ спектроскопия, изотермик сорбция, ионометрия, колориметрия ёрдамида ҳамда тажриба-саноат синовлари асосида тасдиқланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган сувда эрувчан полимерлар асосидаги охорловчилар таркибидаги крахмални кимёвий модификациялаш, калава ипларга етарлича елимланиши ва унинг сиртида мустаҳкам плёнка ҳосил бўлиши натижасида пахта толали калава ипларни охорлаш самарадорлигини оширишнинг мақбул шароитлари аниқланганлиги билан изоҳланади.



Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган сувда эрувчан табиий ва синтетик полимерлар асосида олинган охорловчи таркибларни қўллаб, калава ипларнинг физик-механик хоссаларини яхшилаш, натижада қимматли озиқ-овқат маҳсулоти бўлган крахмал сарфини камайтириш, тўқимачилик саноати учун қўллаш муддати узок бўлган, барқарор янги охорловчи таркиблар ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Берилган структура ва физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган сувда эрувчан полимер композицияларни яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

табиий ва синтетик полимерлар асосида охорловчи композицияларни олиш ва пахта ипларни охорлаш технологияси “Нақш Ойдин” МЧЖ ва “Севинч текс сервис” МЧЖ корхоналарида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2020 йил 21 майдаги 04/18-1377-сон маълумотномаси). Натижада, таркибида ПВС ва ГИПАН сақлаган янги охорловчи таркибларнинг охорланган асоснинг сифатини ошириш ҳамда қимматли озиқ-овқат маҳсулоти бўлган крахмал сарфини 25-30% га (56 г/л дан 38 г/л га) камайтириш имконини берган;

таркибига ПВС ва ГИПАНни киритиш йўли билан ишлаб чиқилган крахмал сақлаган сувда эрувчан полимер таркиблар “Нақш Ойдин” МЧЖ ва “Севинч текс сервис” МЧЖ корхоналарининг тайёрлаш ва тўқиш цехларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2020 йил 21 майдаги 04/18-1377-сон маълумотномаси). Натижада, крахмал плёнкаларига нисбатан композицион плёнкаларнинг деформацион хоссаларини яхшилаш, силлиқлигини ошириш ва калава ипларнинг узилишини 0,53 узил/м дан 0,21 узил/м гача камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, жумладан, 3 таси Республика, 2 таси хорижий журналларда ва 1 та монография нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги

асосланган, диссертация натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш истиқболлари тўғрисида хулосалар қилинган, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот муаммолари ва вазифаларининг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича хориж ва мамлакатимизда ўтказилган илмий тадқиқотлар ҳақида қисқа маълумотлар келтирилган бўлиб, унда сувда эрувчан табиий ва синтетик полимерлар асосида охорловчи системаларни ишлаб чиқишнинг замонавий ҳолати кўриб чиқилган. Илмий-техник ва патент маълумотлар асосида крахмалнинг сарфини кескин камайтиришга ёрдам берувчи янги таркибли охорловчи полимер композицияларнинг мақсадли қўлланилиш тенденциялари таҳлил қилинган.

Олинган назарий ва экспериментал маълумотлар таҳлили асосида вазифалар шакллантирилган. Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти асосланиб, калава ипларни охорлаш учун комплекс хоссаларга эга бўлган янги полимер системаларни яратиш зарурати асослаб берилган.

Диссертациянинг **“Крахмал, поливинил спирт ва гидролизланган полиакрилонитрил асосида охорловчи полимер композицияларнинг олиниши ва уларнинг тадқиқот усуллари”** деб номланувчи иккинчи бобида тадқиқот объектларининг характеристикалари, тажрибаларни бажариш методикалари, ишлаб чиқилган композициянинг кимёвий ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари тақдим этилган.


Диссертациянинг **“Калава ипларни охорлаш учун табиий ва синтетик полимерлар асосидаги композициялар яратишнинг физик-кимёвий асослари”** деб номланувчи учинчи бобида берилган физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган табиий ва синтетик полимерлар асосидаги композицияларнинг янги таркибини ишлаб чиқиш ва улар билан пахта ипларни охорлаш келтирилган.

Крахмалнинг доимий (4,0; 4,5; 5,0; 5,5%) ва ПВС (0-0,5%), ГИПАНнинг (0-0,3%) ўзгарувчан миқдорини сақлаган охорловчи таркиб учун асосий параметрлар: композиция ва тайёр охорнинг нисбий қовушқоқлиги, унинг калава ипга адгезияси, охорланган калава ипнинг куч таъсирида узилиши ва узилишдаги чўзилувчанлик аниқланди.

Дастлабки тажрибалар ПВСнинг 0,3% дан юқори концентрациясида ҳатто крахмалнинг оз (5,0%) миқдориде елим таркибиде пахта ипларини охорлаш учун зарур бўлган қовушқоқ елимлар ҳосил бўлишини кўрсатди. Шунга мувофиқ, тадқиқотлар давомида ПВСнинг оптимал концентрацияси 0,3% га тенг деб олинди. Калава ипларнинг сиртида ҳосил бўладиган охорловчи плёнканинг эластиклигини ва эгилувчанлигини ҳамда ипга янада чуқурроқ сингишини таъминлаш мақсадида охорловчи композицияга крахмал ва ПВСдан ташқари 0,1-0,2% миқдорда гидролизланган полиакрилонитрил (ГИПАН) ҳам киритилди. Крахмалнинг миқдори 4 дан 6% гача ўзгартириб турилди, чунки у чизиқли зичлиги 29,4 текс га тенг пахта ипларни охорлашда қўлланиладиган композициялар учун хосдир.


Крахмалнинг миқдори доимий (4,5%, 5,0% ва 5,5%) ҳамда ПВС ва ГИПАНнинг миқдори ўзгарувчан бўлган бир қатор крахмал гидрогеллари тайёрланди. Иккала полимерда ҳам концентрация 0,1% бирликка ўзгартириб борилди, бу эса бутун концентрацион оралиқни ишлаб чиқаришда ишончлиликни таъминлади. Олинган натижалар 1-расмда берилган.

Расмдан кўринадики, ПВС ва ГИПАНнинг турли миқдориди барча нисбий қовушқоқлик чизикларининг кўтарилиши кузатилади. Бунда охорловчи композициянинг қовушқоқлигига ГИПАНга нисбатан ПВС кўпроқ таъсир кўрсатади. Масалан, ПВСнинг 0,3% концентрациясида  $lg \eta$  нинг қиймати 2,25 га тенг, ГИПАНнинг худди шундай концентрациясида эса 2,0 ни ташкил қилади, иккала ҳолда ҳам крахмалнинг концентрацияси 5,0% га тенг. Таъкидлаш жоизки, ПВС ва ГИПАН биргаликда қўлланилганда крахмал гелларининг қовушқоқлиги кескин ортиб кетади ҳамда ПВС 0,3% ва ГИПАН 0,2% концентрацияда  $lg \eta$  нинг қиймати 3,1 га етади. Бу эса охорловчи препаратларга тақдим этиладиган талабларга тўлиқ жавоб беради..



Ундан ташқари, ПВСнинг пахта толасига юқори адгезияси ва структура ҳосил қилиш қобилияти охорловчи материалларнинг сарфини фақат крахмал сақлаган охорга нисбатан 1,3-1,5 мартага камайтиради, бунда тўқишдаги узилиш 60-70% га камаяди, мустаҳкамлик кўрсаткичлари эса 21-24% га ортади.

Крахмал ва ПВС асосидаги охорловчи композициялар қовушқоқлигининг тадқиқоти (2-расм) шуни кўрсатдики, охорнинг адгезион хоссаси унинг таркибига боғлиқ бўлади. Барча тажрибаларда ПВСнинг композиция таркибидаги миқдори 0,3% ни ташкил қилди. Кўрсатилган концентрациядан юқори бўлиши қовушқоқликнинг кескин ортиб кетишига олиб келади, ўз навбатида қуритиш барабанларида плёнканинг ҳосил бўлишига олиб келади, бу эса охорлаш жараёнига салбий таъсир кўрсатади, яъни плёнка ҳосил бўлиш эвазига охорлаш машинасининг тароғидан ўтишда калава ипларнинг узилиш эҳтимоли ортади.




**2-расм. Крахмал эритмаси қовушқоқлигининг ПВС концентрациясига боғлиқлиги. Крахмал концентрацияси: 1 – 3; 2 – 4; 3 – 5; 4 – 6%**

**Композициянинг таркиби ва тузилишини физик-кимёвий усуллар билан ўрганиш.** Крахмал, ПВС ва ГИПАН асосида яратилган композицион системалар ҳамда уларнинг биргаликдаги ҳолати ИҚ-спектроскопия ва термик анализ усуллари билан тадқиқ қилинди.


Композициянинг ИҚ-спектрларида сувнинг –ОН гуруҳи валент тебранишларига мансуб бўлган ютилиш чизиқлари  $3650\text{ см}^{-1}$  ва  $3200 - 3300\text{ см}^{-1}$  соҳаларида кузатилади.  $1670\text{ см}^{-1}$  соҳада  $-\text{NH}_2$  и  $-\text{CH}=\text{CH}_2$  нинг деформацион тебранишларига тегишли чизиқлар пайдо бўлади,  $-\text{CN}$  гуруҳи учун ўртача интенсивликдаги ютилиш чизиқлари  $1566\text{ см}^{-1}$  соҳада кузатилади,  $1419\text{ см}^{-1}$  соҳадаги чизиқлар ҳам  $-\text{CH}=\text{CH}_2$  гуруҳига тегишлидир.

Крахмал, ПВС ва ГИПАНдан олинган полимер композициянинг ИҚ-спектрида қуйидаги ютилиш чизиқлари мавжуд:  $3630 - 3410\text{ см}^{-1}$ ,  $2935\text{ см}^{-1}$ ,  $2364 - 2345\text{ см}^{-1}$ ,  $1710\text{ см}^{-1}$ ,  $1655\text{ см}^{-1}$ ,  $1543\text{ см}^{-1}$ ,  $1000\text{ см}^{-1}$ ,  $467\text{ см}^{-1}$ . Бу чизиқлар кристаллизацион сув молекуласи ва ПВСнинг –ОН гуруҳига ( $3630 - 3400\text{ см}^{-1}$ ) тегишлидир. Кичик частотали соҳаларга силжийдиган –ОН ва –СООН гуруҳларнинг ( $1655 - 1543\text{ см}^{-1}$ ) соҳадаги деформацион тебранишлари,  $-\text{CN}$  гуруҳнинг  $1710\text{ см}^{-1}$  соҳадаги деформацион тебранишлари ГИПАНга тегишли бўлиб, улар композиция компонентлари: крахмал, ПВС ва ГИПАН орасида молекуляр таъсирланиш содир бўлишидан далолат беради.



**3-расм. Крахмал (А), ПВХ (Б) ва крахмал + ПВХ+ГИПАН (В) ИҚ спектрлари**

Крахмал эритмаларига ГИПАН аралаштирилганда гел ҳосил бўлиши кузатилади. Уни электронларнинг кўчиши билан боғлиқ бўлган ва ассоциатларнинг ҳосил бўлишига олиб келадиган крахмал ва ГИПАНнинг ўзаро таъсирланиш натижаси деб кўриш мумкин. Ҳарорат кўтарилганда водород боғларнинг узилиши ва ван-дер-ваальс кучларнинг камайиши эвазига композицияда гелсимон структуранинг камайиши ассоциатларнинг ҳосил бўлишини тасдиқлайди. Бу шунга боғлиқки, ГИПАНнинг функционал гуруҳлари (нитрил, амид ва гидроксил) билан крахмалнинг бирламчи гидроксил гуруҳлари орасида водород боғлар ҳосил бўлади.



Кутилганидек, полимер композиция таркибига ПВХнинг киритилиши крахмал макромолекуласи ҳаракатчанлигининг камайишига, яъни иссиқлик ҳаракатининг чекланишига, система структураланишининг ортишига ва янада қаттиқроқ занжирнинг ҳосил бўлишига олиб келади ва унинг натижасида системанинг қовушқоқлиги ортади. Ундан ташқари, крахмал

клеysterига ПВС кўшилганда қайишқоқ-мўрт система қайишқоқ-пластик системага ўтади, яъни охорловчи полимер композиция плёнкаларининг пластик хоссалари ортади ва бу ерда ПВС пластификатор вазифасини бажаради. Кутилганидек, охорловчи полимерларни пластификациялаш жараёни пахта толали калава ипларнинг физик-механик хоссаларига жиддий таъсир кўрсатади.

### 1-жадвал




#### ПВСнинг турли миқдорларини сақлаган крахмал эритмаларининг оқувчанлик чегараси ва тиксотроп тикланиш даражаси

Компонентлар таркиби ва миқдори		Оқувчанлик чегараси, Па	Тиксотроп тикланиш даражаси, %
Крахмал, %	ПВС, %		
4	-	3,76	76,4
	0,10	4,23	88,3
	0,15	7,19	91,2
	0,20	11,65	93,4
	0,25	17,28	97,7
	0,30	31,45	98,4
5	-	4,81	78,2
	0,10	6,73	90,6
	0,15	10,82	93,5
	0,20	14,73	95,2
	0,25	22,19	97,3
	0,30	37,60	99,1

Структуранинг барқарорлиги тўғрисида тиксотроп тикланиш даражасининг қийматлари бўйича хулоса чиқариш мумкин (1-жадвал). Жадвалдан кўринадикки, ПВСни сақлаган крахмал клейстерлари тиксотроп тикланиш даражасининг юқори қийматлари билан характерланади.

Структуранинг аста-секин бундай тикланиши ва, бинобарин, мустаҳкамлигининг ортиши нафақт система тинч ҳолатда турганида, балки дастлабки структуранинг берилган емирилиш даражасига сабаб бўлган тезликдан паст тезликда системанинг оқишида ҳам содир бўлади. Бироқ, ўрнатилган юқори тезликдаги оқиш режимдан паст тезликдаги оқиш режимига тескари ўтишда структуранинг бир оз тикланиши содир бўлади, эффектив қовушқоқлик ва структуранинг мустаҳкамлиги ортади ва системада ПВСнинг миқдори қанча кўп бўлса, бу эффект шу қадар яққолроқ намоён бўлади.

Буни 4-расмдаги (а, б, в) боғлиқликлар тасдиқлайди, улар охорланган асосларнинг асосий характеристикаларига охордаги ПВС ва ГИПАН миқдорининг сезиларли таъсири кузатилади.



**4-расм. Оҳорланган калава ипнинг асосий параметрларига оҳор таркибдаги ПВС ва ГИПАН концентрациясининг таъсири.**

Крахмал концентрацияси, %:  
 1 – 4; 2 – 4,5; 3 – 5; 4 – 5,5  
 (1а, 2а, 3а, 4а – ПВС ва ГИПАНсиз крахмал охори)

Расмдан кўринадик, крахмал сақловчи таркибларга киритилган ПВС ва ГИПАНнинг оз миқдорлари барча кўрсаткичларнинг сезиларли равишда яхшиланишига олиб келади.

Мисол учун, ҳақиқий елимланиш даражаси 15-20% га, куч остида узилиш 11-14% га ортади, узилишдаги чўзилиш эса 19-20% дан 13-14% гача камади.

Оҳорнинг ва у билан оҳорланган пахта толали калава ипнинг хоссалари 2-жадвалда берилган.

Жадвалдан кўринадик, крахмал асосидаги оҳорловчи композиция таркибига ПВСнинг киритилиши крахмалнинг клейстерланиш жараёнига ижобий таъсир қилади ва система узилиш мустаҳкамлигининг ортишига ёрдам беради. Масалан, зичлиги 29,4 га тенг бўлган калава ип полимер композиция билан оҳорланганда унинг куч остида узилиши 328,3 сН ни ташкил қилади, маккажўхори крахмали билан оҳорланган ипнинг бу кўрсаткичи эса 291,7 сН га тенг.

Шунингдек, оҳорланган калава ипнинг технологик хоссаларига ПВС концентрациясининг таъсири ҳам ўрганилди. Лаборатория тажрибаларининг маълумотлари 2-жадвалда берилган. Жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатдики, крахмал клейстери тўлиқ парчалангандан кейингина куч остида узилиш ва чўзилишдаги узилишнинг қандайдир доимий қиймати ўрнатилади. Бунда ПВС концентрациясининг кўпайиши тўқиш станогидида ипнинг узилишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Масалан,

композиция таркибидаги ПВС нинг 0,1 % концентрациясида узилиш қиймати 0,39 ни ташкил қилади, унинг концентрацияси 0,3 % га оширилганда эса 0,26 гача камаяди.

## 2-жадвал

### Полимер материаллардан тайёрланаган охор ва охорланган турли маркали калава ипларнинг хоссалари

Параметрлар	Охорловчи полимер композиция			Крахмал асосидаги охор		
	Калава ипнинг зичлиги, текс					
	18,5	20	29,4	18,5	20	29,4
Охорнинг қовушқоқлиги, Па·с	2,7	4,4	7,1	1,6	4,2	6,1
Елимловчи материал концентрацияси, %	1,5	3,0	4,2	1,6	4,0	4,4
Ҳақиқий елимланиш даражаси, %	2,1	3,6	4,1	1,8	2,5	3,8
Узилувчанлик	0,26	0,29	0,39	0,32	0,41	0,52
Охорнинг қўлланилиш даражаси, %	96,3	87,2	81,7	78,3	66,4	63,2
Узилиш мустаҳкамлиги, сН	314,5	326,7	328,3	266,7	284,6	291,7
Чўзилишдаги узилиш, %	5,6	4,8	4,4	8,1	7,5	6,8
Калава ипнинг чўзилиш узунлиги, мм	12,7	15,3	16,7	15,1	17,2	18,1
Чизиқли зичликнинг четланиши, %	7,4	7,9	8,6	8,1	8,9	9,5
Узилиш мустаҳкамлигининг четланиши, %	9,6	13,4	14,7	12,6	14,0	14,2
Ишқаланишдаги мустаҳкамлиги, с Н	1910	2570	3170	2540	3010	3070

Ишлаб чиқариш талабларига мос келадиган узилиш мустаҳкамлиги ва чўзилишдаги узилишни таъминловчи ПВСнинг оптимал нисбати топилди. Қуйи концентрацияли 5% гача бўлган крахмал эритмаларига 0,3 % гача ПВС киритилганда системанинг пахта толаларига адгезияси яхшиланади. Охорнинг тўлиқ қўлланилиш даражаси 96,3% га етади. Ундан ташқари, полимер композициянинг қўлланилиши бир қатор технологик характеристикаларнинг яхшиланиши, хусусан ипнинг узилувчанлиги камайиши ҳисобига меҳнат унумдорлигининг кўпайишига олиб келади.

Яратилган таркибнинг самарали охорловчи компонент сифатида қўлланилиш имокниятларини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқариш шароитида синовлар ўтказилди. Қуйида крахмал, ПВС ва ГИПАН асосидаги композиция билан пахта толали калава ипларни охорлаш ва калава ипларни крахмал маҳсулоти билан охорлаш жараёнларининг қиёсий натижалари “Севинч текс сервис” МЧЖ корхонаси мисолида берилган (3-жадвал).

Жадвалда тақдим этилган маълумотларга мувофиқ, янги композиция билан охорланган калава ип баъзи кўрсаткичлар, хусусан ҳақиқий



елимланиш даражаси, тўқишда ипнинг узилувчанлиги бўйича тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўламини оширишга олиб келади.


3 -жадвал

**Калава ипларни янги таркибли композиция ва крахмал маҳсулоти билан оҳорлашнинг қиёсий натижалари**

Оҳорнинг сифат кўрсаткичлари	Ўлчов бирлиги	«Севинч текс сервис» МЧЖ корхонасининг охори	Крахмал, ПВС ва ГИПАН асосидаги оҳор
Қовушқоқлик, эритмани оқиш тезлиги	секунд	24	21
Ҳақиқий елимланиш даражаси	%	7	6
Оҳор харорати	°С	90	85-90
Калава ип намлиги	%	7-9	8-10
Оҳорлаш тезлиги	м/мин	35	40
Узилувчанлик	узил/м	0,45	0,28
Унумдорлик	кг/соат	50,15	53,42

Шундай қилиб, пахта толаликалава иплар учун таклиф қилинган оҳорловчи препаратларнинг қўлланилиш истиқболлари ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги кўрсатилди, натижада озиқ-овқат крахмалининг сарфи 70г/кг дан 40г/кг гача камайди ҳамда ипларнинг узилувчанлиги камайиши ҳисобига меҳнат унумдорлиги ошди.

Оҳорловчи композиция қуйидагича тайёрланди (5-расм):



**5-расм. Оҳор тайёрлашнинг технологик схемаси**

1 – крахмал маҳсулотлари учун сиғим; 2 – ПВС учун сиғим; 3 – ГИПАН учун сиғим; 4 – тарозили дозатор; 5 – оҳорни тайёрлаш реактори; 6 – узатиш баки.

Реакторнинг 2/3 миқдорида совуқ сув солинади, 30 °С гача қиздирилади, керакли миқдорда крахмал кўшилади ва 5 мин давомида аралаштирилади.

Кейин аралаштирган ҳолда ПВС ва ГИПАН киритилади, 5 мин дан сўнг буғ ёрдамида қизидирган ҳолда қолган компонентлар киритилди. Композиция ҳарорати 90 °С гача етказилади, буғ ўчирилади ва шу ҳароратда яна 10 мин аралаштирилади.

Буғ ўчирилгандан кейин реактордаги охорнинг қовушқоқлиги 25 сек ни, тайёр охорники – 23,5 сек ни ташкил қилди, яъни нормага мос эди.

Оҳорлаш жараёнида калава ипнинг хоссалари ўзгаради:

- елимланиш ҳисобига калава ипнинг массаси кўпаяди, бинобарин унинг чизиқли зичлиги ҳам ортади;

- айрим толаларнинг елимланиши натижасида калава ипнинг зичлиги ортади ва унинг чўзилувчанлиги камаяди, чунки айрим толаларнинг елимланиши қисқа толаларнинг ўзгаришига ва толаларнинг бир-бирига нисбатан сирғалишига тўсқинлик қилади.

Полимер композиция оҳорловчи сифатида қўлланилганда куч таъсирида узиluvчанлик камайди, оҳорланган калава ипнинг физик-механик кўрсаткичлари яхшиланди (4-жадвал).

Мисол учун, 34/1 (29 текс) калава ипи фабрикада қўлланиладиган таркиб билан оҳорланганда узиluvчанлик 0,53 узил/м га тенг бўлади, яратилган композиция қўлланилган вазиятда эса бу кўрсаткич деярли 2,5 марта камайиб, 0,21 узил/м ни ташкил қилди.

#### 4-жадвал

### Оҳор, калава ипнинг кўрсаткичлари ва тўқиш станокларида узиluvчанлик

Мато намуна- лари	Қовушқоқ- лик		Елим- ланиш, %	Оҳорлаш- дан кейин калава ипнинг муштаҳ- камлиги, %	Чўзи- лиш- нинг кама- йиши, %	Узиluvчан- лик, 1 м		1 т калава ип учун оҳор сарфи, кг
	чан	кор				асос	уток	
<b>Меъёр</b>								
Бўз 157	17±1		6±1	20% дан	30% дан	0,35	0,08	112,4 кг
Бўз 131	17±1		6±1	кам эмас	кам эмас	0,40	0,15	
<b>Полимер композиция асосидаги оҳор</b>								
Бўз 157	21,7	19,4	6,3	26,0	12,8	0,21	0,15	81,6 кг
Бўз 131	19,1	17,9	5,8	28,7	14,2	0,22	0,16	
<b>Маккажўхори крахмалидан тайёрланган оҳор</b>								
Бўз 157	16,7	14,2	7,3	22,3	21,4	0,53	0,13	113,1 кг
Бўз 131	16,4	13,8	6,0	21,9	23,8	0,55	0,11	

Бу эса ўз навбатда станоклар унумдорлигининг ортишига олиб келади. Тажрибалар СТБ-220 маркали тўқиш станогиди олиб борилди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, оҳорловчи полимер композициянинг жорий қилиниши озиқ-овқат крахмалининг сарфини 25-30% га камайтиришга имкон беради, калава ипларининг

узилувчанлиги 0,53 дан 0,21 узил/м га камаяди, калава ипларнинг физик-кимёвий хоссалари яхшиланади. Масалан, калава ипнинг куч таъсирида узилиши 26-28,7% ни ташкил қилади, крахмал асосидаги охор ҳолатида эса бу кўрсаткич 21,9-22,3% ни ташкил этди. Шунингдек, четдан келтириладиган ва мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган охорловчи материалларнинг миқдорини камайтириш имконини беради.

Гуруч крахмали, поливинил спирт ва гидролизланган полиакрилонитрил асосидаги охорловчи полимер композициянинг қўлланилишидан келиб чиқадиган техник-иқтисодий кўрсаткичлар (5-жадвал) ушбу ишланманинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.

#### 5-жадвал

#### 1 т охорловчи эритма тайёрлаш учун охорловчи композиция нархининг қиёсий баҳоси

Охор	Керакли миқдори, кг	1 кг нархи, сўм	Жами, сўм	1 кг дастлабки охорловчи композициянинг нархи, сўм
Фабрика охори:				3.432
Маккажўхори крахмали	66	3360	221.760	
Натрий метасиликат	0,5	1600	800	
Пахта мойи	0,3	7500	2.250	
ПВА	0,8	9000	7.200	
Жами	67,6		232.010	
Яратилган охор:				3.121
Гуруч крахмали	48	3140	150.720	
ПВС	0,7	3450	2.415	
ГИПАН	0,3	3300	990	
Пахта мойи	0,3	7500	2.250	
Жами	50,1		156.375	

Ушбу полимер композициянинг “Нақш-Ойдин” МЧЖ корхонасида жорий қилинишидан келиб чиқадиган иқтисодий самарадорлик йилига 13,912 млн. сўмни ташкил қилади.

#### ХУЛОСАЛАР

1. Табиий ва синтетик полимерлар – крахмал (4,0; 4,5; 5,0; 5,5%), ПВС (0,1-0,5%) ва ГИПАН (0,1-0,3%) асосида сувда эрувчан полимер таркиблар ишлаб чиқилди ҳамда ишлаб чиқилган полимер таркибларда компонентларнинг ўзаро таъсирлашиш қонуниятлари аниқланди.

2. Ишлаб чиқилган синтетик полимерларнинг фаол функционал гуруҳлари ва крахмалнинг бирламчи гидроксил гуруҳлари орасида боғлар ҳосил бўлиши, шунингдек, уларнинг юқори дисперсли целлюлоза гидроксил гуруҳлари билан таъсирлашиши натижасида эксплуатацион характеристикалари яхшиланган охорловчи таркиблар олиш технологияси таклиф этилди.

3. Охор таркибига 0,3% гача ПВС ва 0,2% гача ГИПАН киритилганда охорнинг физик-кимёвий хоссалари яхшиланиши, ипларда силлиқ мустаҳкам эластик плёнка ҳосил қилиши ҳамда қуритиш барабанларига ёпишмаслиги аниқланди, шунингдек, ишлаб чиқилган охорловчи таркиблар пахта толали калава ипларни охорлашда қўллаш учун тавсия этилди.

4. Охор таркибидаги компонентлар концентрациясининг калава ипларнинг физик-механик хоссаларига таъсири аниқланди. ПВС охор плёнкасининг эрувчанлик ва сорбцион хоссаларини яхшилаши, ГИПАН эса системанинг қовушқоқлиги ва толага охор адгезиясининг ошириши натижасида калава ипнинг мустаҳкамлиги 30-35% га ортиши ҳамда калава ипларнинг тўқиш дастгоҳларида узилиши 60-70% га камайиши кўрсатиб берилди.

5. Сувда эрувчан табиий ва синтетик полимерлар асосида ишлаб чиқилган охорловчи таркибларнинг осон қайта ишланиши, кинетик ва агрегатив барқарорлиги ва охорлаш жараёнида крахмал сарфининг 25-30% га камайиши аниқланди.

6. Таркибида ПВС ва ГИПАН сақлаган янги охорловчи таркиблар олиш ва уларни пахта ипларни охорлашда қўллаш технологияси “Нақш Ойдин ” ва “Севинч текс сервис” МЧЖ корхоналарида пахта толали калава ипларни охорлашда фойдаланишга тавсия қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.78.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ  
ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ИСМАТОВА РАЪНО АХАДОВНА**

**ПОЛУЧЕНИЕ КОМПОЗИЦИЙ НА ОСНОВЕ ВОДОРАСТВОРИМЫХ  
ПРИРОДНЫХ И СИНТЕТИЧЕСКИХ ПОЛИМЕРОВ И ИХ  
ПРИМЕНЕНИЕ НА ПРАКТИКЕ**

**02.00.14–Технология органических веществ и материалы на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Термез – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/T1524.**

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.terstu.uz](http://www.terstu.uz) и информационно-образовательном портале ZIYONET по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

**Научный руководитель:** Амонов Мухтар Рахматович  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Мухиддинов Баходир Фахридинович  
доктор химических наук, профессор

Тожиев Панжи Жовлиевич  
доктора философии по техническим наукам

**Ведущая организация:** Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится 07.10. 2020 г. в 15:00 часов на заседании Ученого совета на основе Ученого совета PhD.03/30.12.2019.T.78.01 при Термезском государственном университете по адресу: 190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Термезского государственного университета за № 21, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43.Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)).

Автореферат диссертации разослан 28.09. 2020 года.  
(протокол рассылки № 6 от 28.09. 2020 г.).



**И.А. Умбаров**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученой степени, д.т.н., доц.

**Ш.А. Касимов**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученой степени, д.ф.х.н.

**Ф.Б. Эшкурбанов**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученой степени, д.х.н., доц.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в мире применение шлихтующих составов на основе водорастворимых полимеров в шлихтовании хлопчатобумажной пряжи дает возможность сэкономить до 60-80% воды, используемой в процессе шлихтования и снизить на 20-25% энергию, расходуемую для сушки ошлихтованной пряжи. В связи с этим, в производстве шлихтующих составов важное практическое значение имеет получение шлихтующих составов на основе синтетических полимеров, в частности ПВС и ГИПАНа с высокой поверхностной активностью.

На сегодняшний день во всем мире в проводимых научных исследованиях и создаваемых новых технологиях по созданию шлихтующей композиции, с целью замены или уменьшения расхода пищевого крахмала, особое внимание уделяется на разработки, позволяющие получать полимерные композиции из природных и синтетических полимеров более эффективные и качественные шлихтующие препараты. На текстильных предприятиях из всех полимеров, применяемых для шлихтования хлопчатобумажной пряжи, наибольшая доля приходится на нативный крахмал, поэтому применение водорастворимых синтетических полимеров играет важную роль в снижении расхода крахмала в составе шлихтующих веществ. В связи с этим разработка энерго- и ресурсосберегающей технологии получения водорастворимых полимеров является актуальной.

В нашей республике в химической промышленности по направлению создания новых видов материалов достигнуты определенные результаты, в частности осуществлены широкомасштабные мероприятия по обеспечению местного рынка импортозамещающими химическими реагентами. Нужно отметить, что в республике привлекается большое внимание научно-обоснованной системе вождению промышленных объектов и осуществлению мер по защите окружающей среды посредством внедрения инновационных технологий. В Стратегии действий<sup>1</sup> по дальнейшему развитию Республики Узбекистан поставлены важные задачи, направленные на: «Производство высококачественной готовой продукции на основе глубокой переработки местного сырья, разработка принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечивающих тем самым конкурентоспособность отечественных товаров на внутреннем и внешнем рынке». В этом отношении, применение полимеров при шлихтовании хлопчатобумажной пряжи, создание эффективных и экономически дешевых технологий получения нового состава и клеящих веществ для шлихтования нитей основы имеет особое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП №4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

приоритетным направлениям Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», УП-5989 от 5 мая 2020 года «О неотложных мерах по поддержке текстильной и швейно-трикотажной промышленности», Постановлений Президента Республики Узбекистан № ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы», № ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по усиленному развитию химической промышленности в Республике Узбекистан», № ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики Узбекистан: VII «Химическая технология и нанотехнология».

